

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУРАТИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ.

Исмаилов Исамиддин¹, Шукуров Фарход Норкулович²

¹юримдик фанлар доктори,
профессор

²Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ички ишлар органларининг маъмурий
фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7541440>

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясига мувофиқ миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида темир йўл транспорти объектларида уни амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, алоҳида ёндашувни талаб қилади. Бу *биринчидан*, темир йўл транспорти объектлари ва инфраструктуралари хавфлилик омили юқори ва ўта юқори бўлган объектлар тоифасига кириши, *иккинчидан*, улар ўзига хос тартиб-таомиллар ва талабларга асосан жойлашувга эгалиги, *учинчидан*, йўловчи ва юклар миграциясининг узликсиз, мунтазам ва фаол(интенсив)лиги, *тўртинчидан*, хавфли ва махсус юклар ташишнинг ҳам назарда тутилганлиги, *бешинчидан*, темир йўл транспорти алоҳида табиий ҳодисалар хавфли таъсирларига учраши мумкин бўлган муҳофаза зоналарига эгалиги билан тақозо этилади.

“Транспорт тўғрисида”ги қонун мувофиқ **“транспорт хавфсизлиги** — транспорт мажмуининг қонунга ҳилоф аралашувдан ҳимояланганлик ҳолати ҳамда унинг одатдаги режимда ва фавқулодда вазиятлар ҳолларида барқарор ишлашининг таъминланганлиги”¹.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда темир йўл транспорти объектларига таҳдид ва тажовузлар қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- а) хавфсизлик қоидаларига риоя этмаслик;
- б) техник-технологик талабларнинг бузилиши;
- в) бошқарув жараёнида назоратнинг етарли эмаслиги;
- г) шахсга, мулкка, жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган ва бошқа ҳуқуқбузарликлар;
- д) рухсат этилмаган намоёиш, митинг ва оммавий нарозиликлар;
- е) табиий ва техноген ҳолатлар.

Бошқарув назарияси ва амалиёти талаб ҳамда эҳтиёжлари бугунги кунда ички ишлар органларининг темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлашнинг устунлари ҳисобланган: **ҳуқуқий, ташкилий-тактик, услубий, кадрларга оид, моддий-техник** асосларини такомиллаштириш ҳамда соҳани **рақамлаштиришни** тақозо этмоқда.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб темир йўл транспорти объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг бугунги аҳволини таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу соҳада фаолиятни такомиллаштириш йўналишларини белгилаш мақсадида тадқиқотлар

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 9 августдаги “Транспорт тўғрисида”ги Қонуни.
<https://lex.uz/docs/5563039>

ўтказилди. Мазкур тадқиқот жараёнида аниқланган муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлашни такомиллаштиришнинг йўналишларини белгилашга ҳаракат қилдик.

Биринчи йўналиш темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлашни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги муаммо ва уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда темир йўл транспорти объектлари хавфсизликни таъминлашни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида бўшлиқлар, зиддиятлар борлиги ва айрим қонун нормаларининг ижроси бўйича ҳуқуқий механизмларнинг ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1999-йил 15-апрелдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунинг 20¹-моддаси (*Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар*)да темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминловчи давлат органлари сифатида ички ишлар органлари кўрсатилган бўлсада, лекин мазкур нормада ички ишлар органлари томонидан ташиш хавфсизлигини қандай тартибда амалга ошириш механизмлари белгиланмаган.

Қонунинг мазкур нормасидаги бўшлиқнинг мавжудлиги эса бугунги кунда амалиётда ички ишлар органларининг транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг юк поездларини кузатиб боровчи нарядларининг ташиш хавфсизлигини таъминлашдаги вазифаларини тўлақонли бажара олмаслигига олиб келмоқда. Тадқиқотлар давомида бугунги кунда ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармасининг юк поездларини кузатиб боровчи батальони ўзининг вазифасини қай даражада бажара олаётганлиги (ҳақиқатдан ҳам юкни кузатиб боряётганлиги) сўралганда 35,5% респондентлар тўлиқ бажараяпти; 64,5% қисман бажараяпти мазмундаги фикрларини билдирган. Юк поездларини кузатиб боровчи нарядлар ўзининг вазифасини тўлиқ бажара олмаётганлигига қандай омиллар сабаб бўлаётганлиги сўрганилганда 9,1% респондентлар ички ишлар вазирлиги билан Ўзбекистон темир йўллари ДАК ўртасида келишув мавжуд эмаслигини, 9,1% ҳуқуқий бўшлиқнинг мавжудлигини, 81,8% эса юк эшелонида кузатиб боровчи наряд учун махсус жойлар ажратилмаганлигини бидирган.

Шунингдек, темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш фаолиятини бошқаришни ҳуқуқий тартибга солишни сўровга жалб этилган респондентларнинг 27,3 % етарли, 54,5 % қисман етарли, 18,2 % эса етарли эмас деб баҳолаган.

Қонунда бўшлиқлар темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлашни ташкил қилиш ва бошқаришда идоравий тўсиқларни ҳамда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармоқда. Хусусан, мазкур қонуннинг Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар номли 20¹-моддасига мувофиқ: “Темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат назорати ва бошқа чоралар ички ишлар, Давлат хавфсизлик хизмати органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан уларнинг ваколатлари

доирасида амалга оширилади”² деб белгиланган. Лекин, мазкур органларнинг бу соҳадаги ваколатлари аниқ кўрсатилмаган.

Бугунги кунда Темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги муносабатлар асосан қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солиб келинмоқда. Бу эса уларнинг амалда ижросининг тўлиқ ва мукамал ижросини таъминлашга имкон беради.

Таклиф. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги муносабатларни қонун даражасида тартибга солинишини тақозо этмоқда. Сўровга жалб этилган респондентларнинг 18,2 % “Темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун қабул қилишни, 36,4 % Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунини мослаштиришни, 45,5% Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг темир йўл транспорти объектларидаги фаолиятига оид норматив-ҳужжатларни бугунги кун талабига мослаштириш зарурлигини билдиришган.

Бизнингча темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича ягона қонун қабул қилиниши, унда хавфсизликни таъминловчи субъектлар, уларнинг ваколатлари, хавфсизлик чора тадбирлари, уларни амалга ошириш усул ва шакллари ҳамда механизмлари аниқ белгиланиши керак. Келажакда Молдова тажрибасидан келиб чиққан ҳолда “Темир йўл кодекси” лойиҳасини ишлаб чиқиш унинг алоҳида бўлимида хавфсизликга оид бўлган нормаларни мужассамлаштириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи йўналиш ИИВнинг транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини бошқариш соҳасидаги муаммо ва уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар. Бугунги кунда транспорт объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг фаолияти уч томонлама бошқарув асосида ташкил этилган. *Биринчидан*, ҳудудий ички ишлар органлари томонидан уларнинг кундалик тезкор вазият ва хизматни ташкил этиш фаолияти бўйича бошқарув амалга оширилса, *иккинчидан*, ИИВ транспорт ва туризмда хавфсизликни таъминлаш департаментининг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси тўғридан-тўғри транспорт объектларида хавфсизликни таъминлашга оид масалалар бўйича ташкилий-методик бошқарувни амалга оширади, *учинчидан*, ИИВнинг соҳавий хизматлари томонидан транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларидаги ўзларининг қўйи тузилмалари фаолияти ташкилий методик таъминланади.

Бундай бошқарув жараёнида бир томондан, бошқарув субъектлари томонидан бир-бирининг функцияларини такрорлаш кузатилса, иккинчи томондан бошқарув талаблари бир-биридан фарқ қилиши, айрим вазиятларда эса бир-бирини инкор этувчи кўрсатма(топшириқ)лар берилиши кузатилмоқда.

Бошқарувдаги бундай ҳолат темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан фаолият натижалари бўйича бир неча жойга ҳисобот топшириш, шунингдек хизматга оид масалалар бўйича улар ўтказиладиган

² Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонун. <https://lex.uz/docs/13081>

ййғилишларда иштирок этиш талаблари тизимда ортиқча қоғозбозлик ва ходимларнинг вақтини беҳуда ўтказишга олиб келмоқда

Бундан ташқари транспортда, шу жумладан темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларига кадрларни ишга қабул қилишнинг ҳудудий ички ишлар органлари ваколатига берилганлиги соҳага темир йўл объектлари ва инфраструктураларида хизмат олиб боришга хоҳиш истаги бўлмаган, бу соҳага оид қобиляти ва салоҳияти етарли бўлмаган ходимлар билан жамланишига олиб келмоқда.

Таклиф: Темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини бошқариш тизимидаги функцияларини такрорланиши, ортиқча қоғозбозлик(бир масала юзасидан учта инстанцияга ҳисобот бериш)ни, ходимларнинг беҳуда вақт сарфлашларини бартараф этиш мақсадида мазкур соҳада бошқарувни тўлиқ вертекал бўйсиниш тартибига ўтказиш мақсадга мувофиқ. Сўровга жалб этилганларининг 81,8% транспорт объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг барча йўналишлар бўйича ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаментига бўйсиндириш керак деб фикр билдирган.

Учинчи йўналиш ИИОнинг темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари ташкилий тузилишидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар. Темир йўлда хавфсизликни таъминлаш соҳасида горизантал ва вертекал бошқарувнинг амалга оширилиши содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, жинойтларни қайд этиш, ҳисобга олиш, фош этиш бўйича терговга қадар текширув, суруштирув ва тергов ҳаракатларини амалга оширишда бир қатор сансалорлик ва муаммолар келиб чиқишига олиб келмоқда. Масалан: ҳаракатланаётган поездда жинойт Сирдарё вилояти ҳудудидан ўтаётган вақтда содир этилса, аксарият ҳолларда ушбу жинойтнинг содир этилганлиги кейинги Жиззах, Самарқанд, Навоий ёки Бухоро вилоятлардан бирида аниқланади ҳамда мазкур жинойт аниқланган ҳудуд бўйича қайд қилинади.

Амалиётда бундай жинойтларнинг фош этилиши бўйича белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида амалга оширишда ходимлар ўртасида сансалорлик, ўринсиз ва самарасиз хизмат сафарларини амалга ошириш, асоссиз вақт ва харажатлар сарфлаш каби салбий ҳолатларга олиб келмоқда.

Социологик тадқиқотларга жалб этилган ходимларнинг 18,2 % ички ишлар органларининг транспортда хавфсизликни таъминлаш соҳасида мажуд бошқарув тизими бугунги кун талабига жавоб бермайди, 54,5% қисман жавоб беради деб фикр билдиришган.

Бугунги кунда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўл тармоқлари йўналишлари ва объектларининг жойлашувидан келиб чиққан ҳолда уларнинг фаолият кўрсатишини таъминловчи тизимнинг ташкилий-тузилиши қуйидагича:

а) Тошкент минтақавий темир йўл узели(Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти, Сирдарё, Жиззах)

б) Қўқон минтақавий темир йўл узели(Фарғона, Андижон, Наманган);

в) Бухоро минтақавий темир йўл узели(Бухоро, Навоий, Самарқанд);

г) Қарши минтақавий темир йўл узели(Қашқадарё);

д) Термез минтақавий темир йўл узели(Сурхондарё);

е) Қўнғирот минтақавий темир йўл узели (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм).

Бошқарув назарияси таълимотларига асосан бошқарув субъектларининг фаолияти бошқарув объектлари жойлашуви, йўналишлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши талаб этилади.

Таклиф: ИИБ транспорт ва туризмда хавфсизликни таъминлаш департаментининг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармасининг темир йўл объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари тузилишини “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўл тармоқлари йўналишлари ва объектларининг жойлашувига мутаносиб ҳолда қуйидагича ташкил этиш мақсадга мувофиқ:

а) Тошкент минтақавий темир йўл транспорти объектиларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси (Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти, Сирдарё, Жиззах)

б) Қўқон минтақавий темир йўл транспорти объектиларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси (Фарғона, Андижон, Наманган);

в) Бухоро минтақавий темир йўл транспорти объектиларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси (Бухоро, Навоий, Самарқанд);

г) Қарши минтақавий темир йўл транспорти объектиларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси (Қашқадарё);

д) Термез минтақавий темир йўл транспорти объектиларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси (Сурхондарё);

е) Қўнғирот минтақавий темир йўл транспорти объектиларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм).

Тўртинчи йўналиш темир йўл транспорти объектиларида хавфсизликни таъминлаш тизимининг моддий-техник таъминотидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар. Бугунги кунда ҳам темир йўл транспорти объектиларида хавфсизликни таъминлаш бўйича назорат ўтиш пунктлари, темир йўл усти ва ости йўллари, кўприклар, тоннеллар замонавий видеокузатув воситалари билан етарлича жиҳозланмаган, мажудлари эса ички ишлар органларининг тегишли бошқарув пунктларига тўлиқ ҳолда интеграция қилинмаган. Бугунги кунда темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятига тўсқинлик қилаётган салбий омиллар сифатида сўровга жалб этилган респондентларнинг 9,1% ташкилий-бошқарув соҳасидаги хато ва камчиликларни, 81,8 % эса моддий-техник таъминотдаги етишмовчиликлар кўрсатишган.

Таклиф: Айрим ҳудудларда темир йўл магистраллари ва улар остидан ўтувчи сунъий иншоотлар тўлиқ назорат остига олинмаганлиги сабабли, ушбу ҳудудларга ҳуқуқбузарлар томонидан тўсиқсиз кириш имконияти юзага келаётганлигини инобатга олиб, ушбу ҳудудларни тўлиқ “тепловизор”, “ҳаракатни сезувчи” замонавий видео кузатув камераларини ўрнатиш ҳамда Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларига интеграция қилиш;

- ҳудудга кириб келган ва чиқиб кетаётган йўловчи ва юк поездларининг ҳаракатланиш жараёнини кузатиб туриш мақсадида, темир йўл бекатларида назорат қилиб турувчи “МПС” (*Микропроцессор централизованная*) автоматлаштирилган

қурилмани транспорт объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларида назорат қилиб борилиши учун жиҳозлаб, интеграция қилиш;

- республикамиздаги барча темир йўл вокзаллари биносининг кутиш залига ўрнатилган “Хаймен” русумли багаж ҳамда юкларни текшириш аппарати, шунингдек йўловчиларни текшириш учун мўлжалланган металлорама мосламасини хавфсизлик нуқтаи назардан барча вокзал биносидан ташқарига кўчириш, шунингдек шу жойнинг ўзида фуқароларнинг тегишли хужжатлари ва йўл чипталарини текшириб, йўловчилар платформасига чиқаришларини йўлга қўйиш. Бундай тартибни жорий этилишга сабаб йўловчилар агар ҳозирги тартибда поездларга чиқариладиган бўлса ўз-ўзидан тақиқланган нарса, буюм, портловчи моддалар ва Ҳ.К.ларни вокзални ичига олиб кирилишига йўл қўйилган бўлади.

Бешинчи йўналиш ИИОнинг темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари учун кадрлар тайёрлаш соҳасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар. Ички ишлар органларининг темир йўл транспорти объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолияти хизмат кўрсатиш ҳудудларининг узунлиги, темир йўл транспорти ишининг сурункалилиги, транспорт объектларида жуда кўплаб йўловчиларнинг жамланиши ҳамда уларнинг доимий ўзгариши, йўловчи ташиш жараёнларининг фасллар бўйича ўзгариши, ҳуқуқбузар шахслар ҳуқуқбузарлик содир этганларидан кейин темир йўл транспортида ҳаракатланиш учун фойдаланиши мумкинлиги каби ўзига хос хусусиятлари билан ҳудудий ички ишлар органларининг иш фаолиятидан ажралиб туради. Бугунги кунда ички ишлар органларининг темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларига хизмат фаолиятини юқорида кўрсатилган ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда етук малакали профессионал кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмаганлиги иш самарадорлигига салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Таклиф: Транспорт объектларида туристлар хавфсизлигини таъминлаш Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқамаси бўлинмалари зиммасига юклатилганлигини, уларнинг чет тилларини билишига бўлган эҳтиёж ва талабнинг юқорилигини инобатга олган ҳолда тизимда хизмат олиб бораётган ходимларга чет тилларини ўргатиш учун махсус курсларга имтиёзлар жорий этиш;

ИИБ Академиясида Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари учун алоҳида мутахассислик йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш. Мазкур масала доирасида ўтказилган социологик тадқотларда репондентларнинг 90,2% мазкур муаммони ҳал қилиш учун ИИБ Академиясида Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш фаолияти мутахассислиги йўналишида кадр тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлигини кўрсатишган.